



ЎЗХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

ЎЗХДП ТОШКЕНТ ШАҲАР
КЕНГАШИ «ИСТИҚБОЛ»
ЁШЛАР ҚАНОТИ
ТАШАББУСИ БИЛАН
ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ-
ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИНИ
ОШИРИШ, ФАОЛ
ФУҚАРОЛИК
ПОЗИЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИГА
БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР
ЎТКАЗИЛДИ.
АНЖУМАНДА ЎЗХДП
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР
КЕНГАШИ МАСЪУЛ
ХОДИМЛАРИ, «ИСТИҚБОЛ»
ЁШЛАР ҚАНОТИ
ФАОЛЛАРИ ИШТИРОК
ЭТДИ.



Сиёсий жиҳатдан билимдон ёшлар жамият ҳаётида фаол иштирок этади

► Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Ҳар бир мурожаат — эътиборда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида фаолият олиб бораётган Жамоатчилик қабулхоналари электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, одамларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳар бир мурожаатда кўтарилган масалани ҳал қилиш учун аввало, унинг келиб чиқиш сабабини ўрганиш, таҳлил этиш керак бўлади. Бу эса ўзига хос масъулият талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Ҳўш, Жамоатчилик қабулхоналарида фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш ишлари қандай олиб бориляпти? Ушбу саволга Бухоро вилоятининг айрим туманлари мисолида жавоб то-

пишга ҳаракат қилдик. ЎЗХДП Бухоро вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, электорат вакилларида яқиндан кўмак бериш бўйича муайян тажриба тўпланган. Ҳар куни Жамоатчилик қабулхоналарига ўнлаб мурожаатлар бўлаётгани, уларнинг аксарияти ижобий ечим топаётгани ҳам бунга яққол мисолдир.

► Давоми 2-бетда.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
БАРЧА ИДОРАЛАРИНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ —
ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ
ТАШКИЛ ЭТИШ, АҲОЛИ
БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ,
ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.**

Қашқадарё вилоятидаги
Муборак газни қайта ишлаш
заводи ишчи-
хизматчиларидан 190
нафари ЎЗХДП
аъзоларидир.

Андижон вилоятида ўтказилган
«Кучли ижтимоий сиёсат — хотин-
қизлар турмуш фаровонлигини
оширишнинг муҳим омили»
мавзусидаги тадбирда 160 нафар
хотин-қизга ЎЗХДПга аъзолик
гувоҳномалари топширилди.

! Савол ва жавоб

Гулбаҳор КАРИМОВА, Хоразм вилоятидан:

— Мен бир неча йил аввал касб-ҳунар коллежини битирганман.

Оилавий сабабларга кўра, бир муддат уйда ўтиришимга тўғри келди. Ишга жойлашишда муаммога дуч келмаслик учун ўз ҳуқуқларимни яхшироқ билишни истар эдим. Менга меҳнат шартномаси ва уни тузиш ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.



Аваз ЎРИНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Конституциямизнинг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқига эга. Бош қонунимизда белгиланган мазкур ҳуқуқ Меҳнат Кодексига мустаҳкамланган. Кодекснинг 57-моддасига кўра, унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятини тасарруф этиш, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади. Яна бир нарсани таъкидламоқчиманки, ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка

тортиш учун асос бўлмайди. Ҳамма иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга.

Меҳнат шартномасига тўхталадиган бўлсак, бу ҳақда Меҳнат Кодексига алоҳида моддалар киритилган. Унга асосан, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан

тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгиланган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришади. Агар меҳнат шартномасида ишнинг бошланиш кунини ҳақида шартлашилмаган бўлса, ходим меҳнат шартномаси имзоланган иш кунининг эртаси кунидан кечикмай ишга тушмоғи лозим.

Меҳнат шартномаларини бекор қилиш сабабларига тўхталадиган бўлсак, бу тарафларнинг келишуви асосига биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин. Айрим ҳолларда тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ҳам шартнома тугатилади.

Худудлардан хабарлар

ЁШЛАР ФОРУМИ

Каттақўрғон шаҳрида ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгаши томонидан Ёшлар форуми ўтказилди.

Мазкур тадбир Самарқанд вилоят ва Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси ҳамда вилоят Ички ишлар бошқармаси масъул ходимлари иштирок этди.

— Бугунги Ёшлар форуми доирасида халқимизнинг собиқ мустабид тузум даврида кечирган оғир ҳаёти ва бугунги дориломон кунлар мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритилди. «Кеча ким элигу, бугун ким бўлди?» гоёси асосида тадбирлар ташкил этилди, — деди ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исабеков. — Шунингдек, форум доирасида қишлоқ ёшларини спортга жалб этиш шиори остида югуриш марфони, шахмат-шашка, стол тенниси, баскетбол, волейбол бўйича мусобақалар ҳам бўлиб ўтди.

— Форум менда катта таассурот қолдирди, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Дилдора Рўзиева. — Бундай тадбирлар мустақил фикрли, қатъий ҳаётий позицияга эга ёшларнинг сафи кенгайишига хизмат қилади.

— Давра суҳбатида ёшлар таълим-тарбиясига оид долзарб масалалар ўртага ташланди, — дейди «Навбахор» маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Мукаррама Мирзаева. — Туй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишга ҳам эътибор қаратилди.

— Форумда каттақўрғонлик хотин-қизлар фаол иштирок этди, — дейди ЎЗХДП вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудирини Ҳафиза Азимова. — Спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотларда ҳам улар ўз маҳоратини кўрсатишди.

Форум якунида шаҳардаги Алишер Навоий номли истироҳот боғида гала концерт уюштирилди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ЯНГИ БИНОДА

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Навбахор туман бўлими ўз фаолиятини янги бинода давом эттирадиган бўлди.

Ушбу икки қаватли бино «Қизилтепа Лестор» МЧЖ қурувчилари томонидан 8 ойда қуриб битказилди.

— Туманимизда 10650 нафар киши пенсия олади, — дейди Навбахор туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи Шавкат Муродов. — Жамоамизда 16 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг ишларини учун янги бинода бир қатор қулайликлар яратилган. Хоналарнинг кенг ва ёруғлиги, замонавий компьютер жамланмаси билан таъминланганлиги иш унуми янада ошишига хизмат қилади.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Навоий

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Етакчи қандай
бўлиши керак?



«Ижтимоий ҳимоядан
ижтимоий фаоллик
сари»

■ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ЎҚИШГА КИРДИНГИЗМИ?

таълим кредитидан фойдаланинг

Ўтган йили бир одам билан гаплашиб қолдим. У фарзанди тўлов-контракт асосида ўқишга киргани аммо, имконияти йўқлиги туфайли боласини ўқитаолмаганини айтиб қолди. Ундан нега таълим кредитидан фойдаланмаганини сўраганимда, у бу ҳақда эшитмаганини айтди. Таълим кредити тўғрисида гапириб берганимда, у киши жуда афсусланди.

Мамлакатимизда илмга чанқоқ ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган таълим кредити бугун кўпчилик ёшлар учун имконият эшикларини очмоқда.

Шу ўринда ҳақли ва ўринли савол туғилади. Таълим кредити кимларга, қандай тартибда берилади? Ана шу саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилдик.

Шербек КАРАЛИЕВ,
Марказий банк бошқарма бошлиғи:

— Ўзбекистонда ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий таълим олиётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги қарорига мувофиқ «Олий ўқув юрларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлар бериш тўғрисида»ги Низом тасдиқланган.

Мазкур ҳужжат асосида олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабаларга қулайлик яратиш мақсадида таълим кредити тизими йўлга қўйилган. Юқоридаги Низомга кўра, тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларига тўлов контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабанинг ўқиши учун таълим кредити бериш ва қайтариш тартиби белгиланган. Шунингдек, таълим кредити олишнинг энг ихчам, содда ва қулай йўли бўлиб, талаба ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмайди. Таълим кредити тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабаларга, уларнинг ота-оналарига ва васийларига берилган.

Шунингдек, таълим кредити бериш, уни қайтариш, тўловнинг бажарилиш муддати ва ундан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади. Яъни кредит маълум муддатга ва мақсадли фойдаланиш шартли билан ажратилган. Таълим кредити олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавр йўналишида қабул қилинган талабаларга 10 йил муддатга, магистратурага қабул қилинган талабаларга эса 5 йил муддатга берилган.

Бугунги кунда Наманган вилояти халқ таълими тизимидаги 37 болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 25,5 минг нафардан зиёд бўлажак спорт усталари тарбияланмоқда.

ЁШ СПОРТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ



Яқинда Жанубий Корейда бўлиб ўтган Бутунжапон жанг санъатлари фестивалида Наманган шаҳридаги 34-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Муниса Хушназарова ҳамда Наманган туманидаги 35-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Давлатбек Хошимов жамоа сафида бош совринни кўлга киритди.

Ўз мухбиримиз.

2014 йилда давомиди Халқ банки томонидан қарийб 6,5 миллиард сўмга яқин маблағ таълим кредитлари учун ажратилган. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткич камида 7-8 миллиардни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит буйича қўйилган фойзаларнинг 50 фоизи, яъни тенг ярми туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиниши кўзда тутилган. Мазкур имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларни моддий ёрдам билан таъминлаш ҳамда уни беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ фуқаролар-



Фаруҳ АЛИЕВ олган сурат.

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади. Ушбу рақамларга эътибор қаратишнингизни сўрайман. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 11 мингдан зиёд талабага 35,7 миллиард сўм миқдорида таълим кредити ажратилди.

Таълим кредитлари фойзаларини ҳисоблаш ва асосий қарзни қайтариш талабанинг олий таълим муассасасидаги ўқиши расман тугагандан сўнг (айрим курсларда такроран ўқиш муддатини ҳисобга олмасдан) 3 ойдан сўнг бошланади. Дастлаб кредит фойзи ўқиш давомида тўлаб борилади, ўқиш тугагандан сўнг эса 3 ой ўтиб, асосий қарзни тўлаш кўзда тутилган.

Шу билан бир қаторда, ёшларимизнинг кенг билим олиши учун янада енгиллик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси, 31-банди, 2-хатбоиши билан фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрларида таълим олиши учун йўналтириладиган суммалари даромад солиғига тортилмаслиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, таълим кредитини олиш учун тижорат банкларига тақдим этиладиган ҳужжатларни барча яхши билиши керак. Улар қуйидагилардан иборат:

Таълим кредити ажратиш тўғрисида ариза;
талаба ва олий таълим муассасаси ўртасида тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома;

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида маълумотнома;
Кредитни қайтариш шартли таъминланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Шунингдек, имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тегишли ҳужжатларни тақдим этиши зарур.

Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфини олдини олиш мақсадида қарз олувчи томонидан қуйидаги таъминот шартларидан бири банкка тақдим этилиши зарур: мол-мулк ёки қимматли қўғозларни гаровга қўйиш, банк кафолати, учинчи шахс кафолатлиги, сугурта компаниясининг қарз олувчи кредитини қайтара олмаслиги хавфи сугурта қилинганлиги тўғрисида сугурта полиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафолатлиги.

Шунингдек, Низом талабларига кўра, тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб банкка тақдим қилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўғрисида 10 иш кунини мобайнида қўриб чиқиши ва кредит шартномасини

имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризага кредит бериш рад этилиши сабаблари кўрсатилган ёзма ҳулоа бериши лозим.

Дониёр АКРАМОВ,
АТ Халқ банки
бошқарма бошлиғи:

— Бугунги кунда Халқ банкнинг барча ҳудудий бўлимларида таълим кредити масаласида мурожаат қилаётган фуқаролар аризалари қўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, ўтган йил давомида Халқ банки томонидан қарийб 6,5 миллиард сўмга яқин маблағ таълим кредити учун ажратилган. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткич камида 7-8 миллиардни ташкил этиши кутилмоқда. Бугунги кунда таълим кредитидан фойдаланаётган талабалар сони тобора ортиб бормоқда. Банкларимизда аризалар белгиланган 10 кун муддатга эмас, балки 5-7 кун ичида қўриб чиқилмоқда...

...Сиз тўлов-контракт асосида талабалikka қабул қилиндингиз. Бироқ шартнома пулини тўлаш учун маблағингиз етарли эмас. Бундай вазиятда дарҳол таълим кредити олиш учун ҳужжат тайёрланг. Жойларда бу борада бирор муаммо юз берса Марказий банк ишонч телефони (+998 71 200-00-44) мурожаат қилинг.

Темур АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Дунё

АСТЕРОИДЛАР

ҳаракатини бошқариш мумкин

Олимлар бунинг уддасидан чиқишди.

АҚШнинг Калифорния институти олимлари — Филипп Лубин ва Гари Хюз астероидлар йўналишини ўзгартириш олувчи лазер нурини кашф қилдилар. Бу эса ерни астероидлар хавфидан асрашнинг янги усули бўлишига олимлар ишонишмоқда. Негаки, янги технология амалиётда синаб кўрилган, яхши самара берди.




Яъни олимлар лазер ёрдамида объект ҳаракатини секинлаштириш ва тўхтатишга, кейин эса ҳаракат йўналишини ўзгартиришга муваффақ бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, АҚШнинг Аэронавтика ва коинот кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA жорий йилнинг май ойидан эътиборан астероидлар ҳаракатини бошқариш юзасидан кузатув-тадқиқот ва изланишларни бошлади. Келгусида ерга астероидлардан намуна олиб тушиш ва уни яқиндан ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш масаласи бошқарма режасига киритилган.

ОЗИШ ЁКИ СЕМИРИШ

йўллари топилди

Бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари фуқаролари ортиқча вазндан азият чекмоқда. Ва бу муаммо ижтимоийлик касб этиб бормоқда, ундан қутилиш чоралари устида эндиликда олимлар ғуруҳи бош қотирмоқда ва бу борада кўпгина тадқиқотлар олиб боришмоқда. Улар натижаси ўлароқ эндиликда семизликдан қутулишнинг ҳам чораси топилмоқда. Фақат бу чора ҳаммамизда «кўнмакга айланган қолган фикр — парҳез билан боғлиқ эмас, дея хабар беради «Аргументи и факты» ҳафталиғи.



Гап шундаки, АҚШнинг Массачусетс технология институти олимлари ортиқча вазн тўплашни юзага келтирувчи генни қандай қилиб «ўчириб» қўйиш йўлини топишган ва бу тадқиқот сичқонларда синаб кўрилди. Натижа олимлар ўйлагандек бўлиб чиқди. Яна бир неча йиллик тадқиқот ва синовлардан кейин бу усулни кўнглиларда синаб кўриш мумкинлиги ҳақида ҳам хабарлар тарқатилди.

Маълумки, ортиқча вазн тўпловчи ёки озиб кетиш жараёнини юзага келтирувчи ген 2007 йилдаёқ Британиялик олимлар томонидан кашф қилинган. Ушандан бери бу борадаги тадқиқотлар кўпгина мамлакатлар олимлари томонидан ҳам муваффақиятли давом эттирилди.

Ген — бу тананинг кодланган ахборот манбаи бўлиб, унинг ёрдамида организм у ёки бу оксилларни ишлаб чиқаради. Бу гормонлар, ферментлар ёки бошқа бирикмалар бўлиши мумкин.

Ортиқча вазн тўплашни эса кўп сонли ген «комбинация»лари юзага келтириши аниқланган. Шу боис айрим одамлар ортиқча вазндан қутулиш учун узок муддат парҳез сақласа ҳам, спорт билан тинимсиз шуғулланса-да, қутилган натижага эришолмайдилар.

Эндиликда эса айнан керакли генга таъсир ўтказиш, аниқроғи, уни «қамал» қилиш ва бунинг ўрнига бошқа «дангаса» генлар ишлашини тезлатиш орқали тезда ортиқча вазндан қутулиш ёки тезда семирish мумкин. Бу даврда рационни ўзгартиришга ҳолат йўқ.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Жамғарма кўмагида экспорт кўлами кенгаймоқда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Хоразм вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 20 дан ортиқ соҳа вакилларига молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан хизматлар кўрсатилган. Натижада улар томонидан салкам 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар ва хизматлар Россия, Қозоғистон, Хитой ва Жанубий Корейга экспорт қилинди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилган қулайликлар ва имтиёзлар туфайли истиқболли лойиҳаларимиз рўёбга чиқмоқда, — дейди Урганч шаҳридаги «Урганч баҳмал» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Аҳмедов. — Бунда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Хоразм филиалининг кўмаги муҳим ўрин

тутмоқда. Чунончи, биз ҳам жамғарма мутахассисларнинг ҳар томонлама кўмагида ўзимизга Россиядан ҳамкорлар топиб, маҳсулотларимизни экспорт қилишга муваффақ бўлдик.

Дойимий равишда ўтказилаётган давра суҳбатлари ва учрашувларда жамғарма томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб боришмоқда. Шунингдек, маҳаллий ишлаб



Хизматлар лицензияланган.

чиқарувчиларнинг ҳамкорлар топишлари учун халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирокини ташкиллаштиришда кўмаклашмаяпти. Бу эса ишбилармонларнинг ўз фаолиятларини кенгайтиришга имкон яратмоқда.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 22 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1850,23
■ 1 Англия фунт стерлинги	4038,70
■ 1 Дания кронаси	397,95
■ 1 БАА дирҳами	712,32
■ 1 АҚШ доллари	2615,91
■ 1 Миср фунти	334,09
■ 1 Исландия кронаси	20,66

■ 1 Канада доллари	1975,17
■ 1 Хитой юани	410,68
■ 1 Россия рубли	38,46
■ 1 Украина гривнаси	120,56
■ 1 Малайзия ринггити	606,52
■ 1 Польша злотийси	705,97
■ 1 СДР	3683,59

■ 1 Туркия лираси	859,96
■ 1 Швейцария франки	2703,22
■ 1 ЕВРО	2974,92
■ 10 Жанубий Корей вони	22,11
■ 10 Япония иенаси	217,54

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайган.

Қайси оилада китоб ўқилмаса — бу оила маънан
тўлақонли оила бўлолмайди.

БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!» шиори остида ўтган Республика «БОЛАЛАР КИТОБИ» байрамида 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.



Байрамнинг бош тадбири пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди.

— Бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган китоб байрамида мактаб ўқувчилари, ёшлар, кексалар, қўйингки китобни севадиган инсонлар қатнашмоқда, — деди Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Омонулло Юнусов. — Мақсадимиз фарзандларимизнинг саводхонлик ва китобхонлик даражасини ошириш, китоб мутолаасига бўлган эътиборини кучайтириш, қолаверса, уларнинг талаб ва тақлифи асосида янги-янги асарлар чоп этиш ва кенг китобхонлар оmmasига етказиб беришдан иборат.

— Мен Чилонзор тумани, 164-умумтаълим мактабида ишлайман, — дейди Зебо Бекмуродова. — Китоб байрами ҳақиқий халқ сайлига айланиб кетди, бунчалик бўлишини тасаввур қилмаган эдим. Фарзандларим саргузашт асарларни яхши кўради, жуда қизиқarli китоблар харид қилдим. Излаган китобларимизни топганимиздан хурсандимиз.

— Эсимни таниганимдан бери китоб менинг энг яқин ҳамроҳим, — дейди матбаачи Холида Фулмонова. — Бир умр шу соҳада меҳнат қилганман, фарзандларимни ҳам китобга меҳр руҳида тарбияладим. Мана бу китобларни қаранг, кўриб ҳавасингиз келади. Жуда сифатли, ўзгача дид билан безатилган.

— Мен бу йил Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтига ўқишга кирдим, — дейди Шаҳбоз Худойбердиев. — Китоб байрамига тенгдошларим билан келдик. Президентимизнинг «Юк-



сак маънавият — енгилмас куч» асарини олдим.

— Сурхондарёнинг Жаркўрғонидан бўлман, — дейди Орол Жангиров. — Булар невараларим Покиза, Шоҳжаҳон, Жонибек. Улар мени шу боғга олиб келишди. Бу ердаги китобларни кўриб кўз

қамашади. Фақат уларни ўқиш керак. Мана сизга ғамхўрлигу мана сизга эътибор. Пенсия пулимдан набираларимга кўп китоб олиб бердим. Нархлари арзон.

— Болаларим, сеvimли дўстларим, мен бир умр китоб ёзганман. Бутун

ҳаётим китоблар ичида ўтмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев. — Бугунги ҳаяжонларимни, қувончимни сўз билан ифодалаш қийин. Бу маънавият, адабиёт байрами. Болалар адабиётини ривожлантиришга

эътиборни қаранг. Болаларимизга яратилган имкониятларни кўриб, болалардай хурсанд бўлганман, бола бўлиб яшараямман.

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

СПОРТ

УЧ УЧРАШУВ,
УЧ ГАЛАБА

Ўсмирларимиз (U-16) футбол бўйича Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритди

Мазкур нуфузли мусобақанинг «А» гуруҳи саралаш учрашувлари Фаластинда бўлиб ўтди. Темурхўжа Олимхўжаев бош мураббийлигида баҳсларда иштирок этган ўсмирларимиз финал босқичига берилган йўлланма учун Фаластин, Яман ҳамда Мальдив ороллари терма жамоалари билан куч синашди.

Дастлабки турда ҳамюртларимиз Мальдив ороллари футболчилари дарвозасига жавобсиз саккизта тўп киритган бўлса, иккинчи учрашувда фаластинликлар ўз дарвозалари тўридан олтига тўп олиб чиқишга мажбур бўлдилар — 6:0.

Гуруҳ ғолиби номига ойдинлик киритувчи Ўзбекистон — Яман терма жамоалари ўйинида ҳам вакилларимиз ракибга ҳеч қандай имконият қолдиришмади — 5:2.

Ўз гуруҳида барча учрашувларни галаба билан яқунлаган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати финал босқичи 2016 йил 15 сентябрь — 2 октябрь кунлари Хиндистонда бўлиб ўтади. Унда мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Уммон, Саудия Арабистони, Ироқ, Эрон, Кувейт, Малайзия, ХҚДР, Жанубий Корея, Австралия, Япония, Вьетнам, Таиланд, БАА, Непал терма жамоалари 2017 йили ўсмирлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатига берилган тўртта йўлланма учун кураш олиб борди.

Эркин ХОЛБОБОВ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ucell «Шарқ тароналари»

фестивалининг алоқа ҳамкори бўлди

Самарқанд дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири, ер юзининг сайқалидир. Бугунги кунда шаҳар нафақат Ўзбекистон гавҳари, балки бутун дунё халқлари маданиятлари кесипладиган чорраҳа ҳисобланади. Самарқанднинг юраги бўлган Регистон майдони эса бу йил ўнинчи бор «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига мезбонлик қилди. TeliaSonera компаниялари гуруҳига кирувчи ва Ўзбекистон бозорида алоқа хизматларини тақдим этувчи Ucell компанияси мамлакат маданий мероси ва қадриятларини ривожлантиришни фаол равишда қўллаб-қувватлайди. Жорий йилда Ucell «Шарқ тароналари»нинг алоқа ҳамкорига айланди.



роқчилари учун «Шарқ тароналари» тарифини ишга туширди. Ушбу тарифга уланганлар Ўзбекистон бўйича 500 дақиқа ва 50 та SMS, халқаро кўнжироқлар учун 50 дақиқа ҳамда 500 Мб интернет-трафига эга бўлди. Мехмонхоналарда Ucell мобил операторлари ишлади, улар абонентларни махсус тарифга ўлади ва компания хизматлари ҳақида ўз вақтида ахборот берди. Тариф орқали 150 нафардан ортиқ абонент ўзларининг ҳис-туйғуларини бутун дунё билан баҳам кўрди.

— Мен қадимий Самарқанд шаҳри ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман, — дейди «Шарқ тароналари» фестивали хайъатининг аъзоси Ханнес Пиккат (Эстония). — Бирок фақат ушбу фестиваль туғйилигига «Жаҳон ҳазинасини кўришга муваффақ бўлдим. Шаҳарнинг, Регистон майдонининг мафтункор гўзаллигидан тортиб, дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан келиб, ўз маҳоратини кўз-кўз қилган мусиқа жамоаларининг хилма-хил чиқишларига — барчаси кишида чуқур таассурот қолдирди. Ucell мобил оператори интернет алоқаси орқали тарихий лаҳзаларни бутун дунё билан бўлишиш учун қўшимча имконият бергани кишини жуда қувонтирди. Ишончим комилки, «Шарқ тароналари» нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё минтақаси учун, балки фестивалда иштирок этаётган ҳар бир мамлакат учун янада аҳамият-лироқ воқеа бўлиб боради.

Ucell компанияси ҳақи олдиндан тўланадиган пакетларга уланган абонентлари учун ижтимоий тармоқларда танлов ўтказди. Ғолиблар байрамона Самарқандга ташриф буюриб, 29-30 август кунлари Регистон майдонидаги чиқишларининг гувоҳига айланди. Компания, шунингдек, фестиваль қатнашчилари учун Ucellнинг «Ҳис-туйғуларга энг бой ва унутилмас чиқиш» номинациясини таъсис этди ҳамда унинг ғолибига диплом ва эсдалик совғаларидан иборат махсус мукофотни топширди.

Музроб ОЛИМОВ

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТНАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38

www.sardor-avto.uz

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11028
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZOROV



1 2 3 4 5